

ТАРИХИЙ КАТАГОНЛИК ДАВРИНИНГ ИБТИДОСИ

Жамолиддинов Мирхожиддин Гиёосиддинович

Кукон ДУ, доцент.

Хожиахрор Гиёосиддинов ФарДУ, магистранти

Уринова Зумрадхон Кукон ДУ, магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада катагон даврининг бошланиши ҳамда Марказий Фарғона чўлларидаги фанда аниқ бўлмаган махфий «Северный Багдад» турмаси ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сузлар: «қизил империя», «сиёсий катагон», «58лар гуруҳи», «Северный Багдод», «Махфий турма», «темир йўл»

Annotation: This article provides information about the beginning of the Katagon period and the secret "Northern Baghdad" prison located in the Central Fergana deserts, which is still not clearly identified in science.

Keywords: "Red Empire", "Political Katagon", "Group 58", "Northern Baghdad", "Secret Prison", "Railway"

Аннотация: В данной статье представлена информация о начале катагонского периода, а также о секретной тюрьме «Северный Багдад», расположенной в пустынях Центральной Ферганы, которая до сих пор недостаточно изучена в научной среде.

Ключевые слова: «Красная империя», «Политический катагон», «Группа 58», «Северный Багдад», «Секретная тюрьма», «Железная дорога»

Бизнинг кечаги кунимиз ва бугунги ўтган дамларимиз тарих. Бу жараёнларда оиламизда, шаҳар, қишлоқларимизда турли воқеалар юз беради ҳамда у тарих саҳифаларига ёзиб қўйилади. Айримлари ёзма битикларда акс этса баъзилари халқ оғзаки ижодида авлоддан-авлодга, асрлардан-асрларга ўтиб боради, ёки бутунлай йўқ бўлиб кетади.

Буни унутмаслик учун тарихий ижтимоий давр муҳитининг таъсири кучли. Қайси миллат ривожланган бўлса, унинг тарихи халқ оғзаки ижоди, ёзма битикларда авлоддан -авлодга ўтиб келади. Президентимизнинг 2024- йил 19-июл куни “Сиёсий катагон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қарори ҳам бизга йўл харитаси сифатида хизмат қилади. Жумладан, ушбу қарорда ҳар йили октябр ойининг биринчи ҳафтаси мамлакатимизда Сиёсий катагон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонланиши белгиланган. Айнан шу кунларни белгиланиши бежиз эмас, чунки 1938- йил 4-16 октябр кунлари 507 нафар ўзбекистонлик сиёсий махбус устидан ҳукм ўқилган. Етакчи шахслар устидан ҳукм ўқилган, энг дахшатлиси 4 - октябрда қатл этилган, ҳукм эса 5- октябрда чиқарилган...

Туркистон халқлари мозийнинг энг яқин кунларида ўз бошидан учта “қатагон” йилларини кечирди. Биринчи босқич 1920-1937 йилларни, иккинчи босқич 1937-1938-йилларни ва учинчи босқич 1952-1968-йилларни ўз ичига олади. Бироқ, биринчи босқич даврини бизнингча 1905-1937 – йиллар деб белгилаш илмий жихатдан ўринлидир...

Бугун фанда миллий уйғониш, жаидчилик даври атамалари билан ўрганилаётган биринчи қатагон йилларини илмий ўрганиш, тадқиқ этиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга молик.

Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Ашурали Зоҳирий, Ибрат, Тавалло, Элбек ва бошқалар “” “Халқ душманлари” деб отилди.

“58” лар гуруҳи деб айб қўйган Ўзбекистон ССР халқ комиссарлари советининг биринчи раиси Файзулла Хўжаев, таниқли давлат ва сиёсат арбоби Акмал Икромовни миллатчиликда “ўнг троцкийчи блок” деб аталган иш бўйича 1938-йили 13-мартда Москвада отиб ўлдирилдилар. Бу ватанпарвар, миллатпарвар сиймолар ўлимга маҳкум этилган, адолатсизлик қурбонларининг айримлари, холос.

Турмалар ва қулоқлар деб номланувчи “тузатиш меҳнат лагерлари” бўлиб, уларнинг аксарияти тоғ-кон саноати, қурилиш ва ёғоч ишлаб чиқаришга хизмат қилган. Тахминларга кўра, “тулаг” (қулоқ) тизими мавжуд бўлган вақт давомида 30000 дан ортиқ лагерлардан иборат бўлиб, маҳбуслар сонига кўра уч тоифага бўлинган. Энг йирик лагерлар ҳар бирида 25 000 дан ортиқ маҳбуслардан, 5 000 дан 25 000 гача маҳбуслардан иборат ўрта ўлчамдаги лагерлардан ва энг кичик, аммо кўп сонли меҳнат лагерларида ҳар бирида 5 000 дан кам одам бўлмаган.

Бундай қамоқхоналарга тушган маҳбуслар Қозоғистондаги “Қум” Қозоғистоннинг Жизқозғон турмаси, Россиядаги Рудник турмаси, Ўзбекистондаги Тоштурма, Қўқон, Андижон, Қарши, Қорақолпоғистон ҳудудларида жойлашган қамоқхоналарда сақланган ҳамда қийноққа солинди, хўрланди, азобланди. Аммо Мустақиллик, Эрк, Озодлик йўлида ўз эътиқодларидан қайтмади, сотқинлик қилмади.

Бугун шундай фанда ўрганилмаган, Фарғона водийси чўллари ичида махфий сир тутилган “Северный Бағдад” (Шимолий Бағдод) турмаси ҳақида сўз юритамиз.

Болалигимдан (1966 йил 1-синфга кирганман) эсимни танибманки, одамлар ўртасида. Бағдод тинч-ми? Бағдодда нима гаплар? Сўроқ гапи ибораси юради. Бугун ҳам айрим ёши улуғ одамлар суҳбат жараёнида “Мен бағдодликман” деб таништиришингиз билан сиздан Бағдод тинчми? деб ҳазиломуз, хавотирли савол беради...

Фарғона водийсининг Тошкент -Андижон йўлида бепаён чўл ҳудуди бор. Бугун чўллارни ўзлаштирган ҳудудларига турли номлар қўйилган: Ёзёвон чўли,

Карим бобо чўли, Бўз чўллари, Бағдод чўллари, Уч уй чўллари Шимолий Бағдод чўли каби атамалар билан юритилади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ўзининг “Уфқ” трилогиясида мазкур чўл ҳаётини кенг тасвирлайди. Жумладан, биринчи китоби “Қирик беш кун” (1974), иккинчи китоби “Хижрон кунлари” (1964) ва учинчи китоби “Уфқ бўсағасида” (1969) асарларида юқоридаги қамишзор чўлларни 30-50 йилларда ўзлаштирган деҳқонлар образининг асарларига прототип қилиб олган.

Бепаён чўлнинг “Северный Багдад” деб номланувчи ҳудудида ҳали фанда ҳеч кимга маълум бўлмаган, бироқ одамлар ичида “Бағдод тинчми?”, “Бағдодда нима гаплар?” иборасини келиб чиқишини тасдиқловчи 1905-1945 йилларгача фаолият юритган собиқ совет иттифоқининг МАХФИЙ турмаси бўлган. Мазкур турмада 25 мингга яқин маҳбуслар яшаган. Буларнинг ичида турли миллатларга мансуб маҳбуслар: ўзбек, рус, арман, яҳудий, тожик, қozoқ, қирғиз, ва бошқа диний билимдан хабардор бўлган мўлла, эшонлар мол-мулкка эга бўлган бойлар, ўрта ҳол деҳқонлар ҳамда янгилик тарафдори бўлган жаидлар сақланган. Маҳбуслар чўлни ўзлаштириш, 2- жаҳон уруши йиллари арафасида эса фронтга турли хил кийимлар, оёқ кийимлари тикиш ва бошқа қийин ишларни бажаришда фойдаланилган.

Чўл зонаси иссиқ, шўр, қамишзор бўлиб, шароити оғир бўлганлиги сабабли турмада касаллик (ўпка сили, ичбуруғ) тарқалган ҳамда бу фавқулодда ҳолатдан чиқиш учун соғлом маҳбусларни 1945-йилда рус-япон урушига сафарбар қилинган, қолганлари отиб ташланган.

Турма ҳудуднинг 15 километр узoқлигидаги шарқий томонида 1898-йилларда қурилган Москва-Андижон темир йўли ўтган. Бу темир йўл дастлаб Британия империясининг Шарққа томон кенгайишини олдини олиш мақсадида қурилган, кейинчалик сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. Темир йўл мазкур чўл ҳудудини кесиб ўтган. Ҳибсга олинган маҳбуслар махсус вагонларда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Андижон, Наманган ўлкаларидан олиб келиниб тун қоронғусида чўл ҳудудига туширилиб пиёда махфий турмага қамишзор, кўлмак шўр сувлар орасидан олиб келинган.

Бу маҳбуслар 20 - 30 кунлаб поезд вагонларида сақланиб олиб келинганлиги учун уларга “Украина ҳудудига келдингиз” деб тушинтирилган, Бундан ташқари маҳбуслар ёзган хатларнинг қайси манзилдан деган қисмига “Украина ССР. Полевая почта. Северный Багдад” деб ёзилиб жўнатилган. Махфий турма Ўзбекистон ҳудудида жойлашганлиги ҳақида ҳеч кимда шубҳа туғилмаган.

1987-йилда тадқиқот мавзуим жаидчилик даври адабиёти билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, мазкур турмада жаидлар номи билан қамалган, махфий турма ҳаётини кўрган, мавзуни ёритишга ягона асос бўла оладиган маҳбус бўлиб

яшаган уни азобларини бошидан кечирган 2 та ўзбек фуқароси тақдири ҳақида асосли топилма топдим.

1. Эрали мингбоши
2. Қаяом қори Олимов

Шу билан бирга уларнинг авлодлари билан танишиб, турма ҳудудини аниқлаш жабрланувчиларни тақдир йўли ҳақида маълумот тўплаш учун фарзандлари, қариндош уруғлари билан суҳбат қурдик. Аммо улар халқ душманларини қариндошлари деган иснод билан кўп йиллар азоб чекканлиги учун ўтмиш, қатағон даврларини эсламаслигини таъкидлаб жавоб бермади.

Шунинг учун уларни тақдири ҳақида аниқ маълумотга эга бўлган кекса хамқишлоқларини топиб ўтмиш воқеаларини ёзиб олдим ҳамда мустақилликнинг дастлабки ёки ҳозирги кунгача (2023-йил 22-декабр) оқланмаганлиги сабабли ошкор эта олмадик.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қатағон қурбонлари ҳақидаги қарорида “Кўриниб турибдики, катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адиблар, шифокорлар, ўқитувчилар қатағон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби - буюк бўлгани”, - деган маърузалари асосида илмий ўрганиш учун кенг йўл очилишини ҳамда ушбу ўринли фикрлари ва бундан ташқари жаҳидчилик даврини ва маърифатчи боболаримиз меросини ўрганиш бўйича ўтказилган 2024-йилги йиғилишидаги қарорларига асосланиб очилмаган қуруқ турмани тарғиб этишга журъат эта олдик.

Москва-Андижон темир йўли иқтисодий, ҳарбий, сиёсий жабҳаларда катта аҳамиятга молик бўлган, ойлаб, йиллаб от уловларда юрган карвон йўлларидаги савдогарларни узоғини яқин қилган. Илгари бир ойлик масофа ҳозирда поезд билан уч кунлик йўл бўлиб қолди.

Қўқон-Андижон темир йўли оралиғида “Масалская”, “Серово”, “Хамза”, “Горчаков(Марғилон)” станциялари тушди. Мазкур турма “Серово-Хамза” станциялари оралиғидаги чўл зонаси ўртасида жойлашган.

30-йиллар ижтимоий давр сиёсатида мураккаб пайт эди коллективлаштириш, хотин-қизларни озодлика чиқариш учун “Хужум” ҳаракати, диний реформа, жаҳидчиллика қарши кураш ва бошқалар. Бу ҳаракатларда кўпгина бегуноҳ диний билимга эга одамлар ҳам хибсга олинар, қатағон қилинади.

Бағдод тумани Қаҳат қишлоғида яшовчи Қаяом қори Олимов ҳам зиёли киши эди. Қуръонни маромига етказиб ўқиганлиги учун “Қори” деган тахаллусни олди. Қўқон мадрасасида тахсил олиб араб, форс, рус тилларини

мукаммал ўрганиб қайтгач, қишлоғида ёшларга диний ва дунёвий фанлардан сабоқ берди, қишлоқ масжидида имомлик қилди.

Бироқ, кунларнинг бирида Қаюм қорини қамоққа олишди. Оилада фарзанди, хотини ёлғиз қолди. “Панисломизм” “Пантуркизмда” айбланиб “халқ душмани” деб қатағон қилинди.

Украина Республикасига жазо муддатини ўташ учун сафарбар этилди. Йиллар ўтди. Қаюм қоридан Украина Республикасидан хатлар келди. У қамоқхонада рус тиллини яхши билгани, муомула маданияти яхшилиги сабабли махбуслар ичидан танлаб олиниб, хўжалик ишларига жалб этилди.

Қамоқхона чўл зонасида жойлашганлиги сабабли ҳар куни рус соқчиси назорати остида от аравада узоғлиги 10 километр чамаси чўл зонасига кирган Қоровултепа қишлоғидан булоқ сувини махбусларга олиб келиш билан шуғуллана бошлади. Кунларнинг бирида сув олиш учун назорат остида кетаётган пайтда, йўлдан 200 метр узоқликдаги манзилда бошига ўзбек дўпписини кийган йигитга кўзи тушди, ҳаяжонланиб ўзи билан кетаётган соқчига: “Анавини қара, ўзбек йигити шекилли, бошига дўппи кийиб олибди”- деб мурожаат қилди.

Соқчи эса: “Бу ерда муддатни ўтаган сенга ўхшаш ўзбек махбуслари яшайди”,- деб жавоб берди. Кунлар ўтди Қаюм қори кундалик ишини давом эттирди. Оила, ватан соғинчи, билан яшади ишлади. Кунларнинг бирида сувга кетаётган пайтида йўлнинг устида янги қовун пўчоғини ётганига кўзи тушди. Қовун пўчоғига югуруб бордида, ейилган ерда ётган пўчокни олиб еди ва “Бу ернинг қовуни ҳам Ўзбекистон қовунига ўхшаган ширин бўлар экан”,- деб, рус аскарига мақтаниб гапирди. Орадан икки йил ўтди. Қаюм қори ўз ишига пухталиги, топшириқларни вақтида бажарганлиги сабабли махбуслар ичида ишончга кирди. Кундалик вазифасини ўташ учун булоққа сувга кетаётганда, яна узоқда камиш ўраётган дўппили ўзбек йигитига кўзи тушди, соқчидан кўришишга рухсат беришини ўтиниб соради. Соқчи Қаюмжонга рухсат беришини, бироқ бу воқеани ҳеч кимга айтмаслигини, асрга ташқарида озод юрган фуқаро билан учрашиш мумкин эмаслигини уқтирди. Қаюмжон югуриб камиш ўраётган йигит олдида бордида ва унга саволлар берди:

-Ассалому алайкум.

-Ваалайкум, ассалом.

-Қаерликсиз?

-Ўзбекистонликман.

-Мен ҳам, ўзбекистонликман.

-Ўзбекистонни қаердансиз?

-Фарғонаданман.

-Фарғонани қаеридансиз?

-Фарғонани, Бағдод раёнини Қоровултепа қишлоғиданман деб жавоб қайтарди.

-Ие, мен ҳам Қахат қишлоғиданман.

-Ийи, ака қизиқмисиз. Қахат бизнинг ёнимиздаги қишлоқда-ку.

Қаюм қори хаяжонланиб:

-Бу ер Украина эмасми, Ўзбекистонми! Ҳазиллашяпсизми.

-Ха, Ўзбекистон”, - деб қайтарди.

Унга икки йилдан бери шу қамоқхонада махбус эканлигини у уйига хат ёзаётганда “Украина ССР” ёзишини тўлқинланиб кўзида ёш билан гапирди. Болага Қахат қишлоғига бориб оиласига бу хушхабарни етказишини илтимос қилди ва у билан хайрлашиб орқасига қайтди ва ўз ишини давом эттирди...

Ўтинчи йигит уйига бориб воқеани ота-онасига айтди. Йигитнинг отаси хабарни Қахатга бориб махбус оиласига етказишини уқтирди. Бола Қахатга бориб Қаюм қори оиласини топди, фарзандлари, хотинига эрини “Шимолий Бағдод” чўлидаги турмада эканлигини тушинтирди. Бироқ улар ишонмасдан эрини хатини олиб чиқиб кўрсатиб йигитни алдаётганлигини, Қаюмжони Украинадаги қамоқда эканлигини айтди. “Сизлар ишонасизми ишонмайсизми, мен омонатни хабарни етказдим, холос” деб уйига қайтди.

Бир неча кундан кейин эрталаб Қаюмжоннинг хотини Қоровултепа булоғи олдига келиб, кун бўйи ҳар куни турмадан сувга келадиган от аравадаги харбийларни кутиб ўтирди. Шомга яқин отлик харбий билан от арава сувга келди. Не кўз билан узоқдан кўрдик, махбус кийимида, соқоллари ўсган, ғамгин турмуш ўртоғи Қаюмжон эканини таниди. Хаяжони ичига сиғмасдан йиғлаб, бақириб юборди. Назоратчи полиция хайрон бўлди. Қаюмжон унга бу ер Ўзбекистон эканлигини, турма ўзи яшаётган Бағдодда жойлашганлигини русчалаб тушинтирди. Бугун эса улар йўлдан (турмуш ўртоғи) эшитиб икки йилдан кейин ахтариб келганлигини, рухсат берса кўришишлигини ўтиниб сўради.

Турма полицияси унга бу ер махфий турма эканлигини, бу сирни ҳеч кимга айтмаслигини, агар юқори амалдорлар эшитса полиция ҳам қамалишини, қонун олдида жавоб беришлигини уқтириб, рухсат берди.

Украина ССР турмасида яна 2-йил Олимов Қаюм қори қамоқда хизмат қилди. Икки йил хизматни бажариб ўз юртига қайтди. Бироқ бу сирни унинг оиласи ҳам, ўзи ҳам 1991-йилгача махфий холда ҳеч кимга айтмади. Аммо оилавий муҳит ва фарзанд, набираларининг турмуш тарзида, иш фаолиятидаги жараёнларда халқ душмани тамғаси катта тўсиқ бўлди. Оила доимо хавотирлик билан яшади Қаюм қори умрини охиригача адолатсизлик қурбони бўлиб, виждони қийналиб яшаб вафот этди.

Хуллас, чўл турмасидаги тахминан 25-минг махбусни тақдири, ҳаёт йўлини тирилтириш вақти келди. Архив материалари асосида. Фарғона вилояти Қатағон қурбонларини ўрганиш комиссияси топшириғи билан бу воқеа материаллари видео тасвирга олиниб, тасмага муҳрланди (видео тасма илова қилинади). Бугун бу “Махфий турмада” 8-гектар қатағонлар қабристони бор. Совет Иттифоқи тузуми даврида 50-йилларгача мазкур қабристон махфий топшириқ асосида йўқ қилиниб пахта майдонига айлантирилган. Бу мазорда бугун одамларнинг суяклари шудгор- хайдов даврида чиқиб турибди. Мазкур мавзунини архив материаллари асосида илмий ўрганиш тадқиқотимизни асоси ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Президентининг 2024-йил 19-июл куни “Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қарори.
2. Воқеаларни тўлиқ акс эттирган суҳбат видеотасмаси. 2005 йил.
3. ФарДУ. Қатағон қурбонлари. Илмий тўплам.-Фарғона. 2024